



Ҳар кунинг Наврўз бўлсин, жонажон Узбекистоним!

Наргиза МИРЁҚУБОВА, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Баҳор табиатнинг уйғоншиқ фасли. Шоирлар таъбири билан айтганда, бу фаслда ҳатто туйғусиз чирик хазон ҳам яшил бўлганчадан қанот боғлайди. Юртимиз тенгсиз чиройга бурканиб, ранго-ранг гуллар кўклам жилваси янглиғ қалбларга севинч бағишлайди.

Коинот бағрида, ўз меҳвариде батиним айланаётган она Ер беминат кўшимиз – офтоб нури тик тушадиган кенгликлар томон оға бошлаши билан бутун борликда юз берадиган буюк ўзгариш инсон руҳиятига ҳам таъсир ўтказмасдан қолмайди. Шу боис кўклам келганда нафақат бутун табиат, инсоннинг ўзи ҳам қайта тугилгандек қалбда эзгу туйғулар, пок ҳиссиётлар жўша бошлаганини ҳис этади. Негаки, табиатнинг яшнаб-яшариши инсон руҳида ҳам улуғ ажодлардан мерос гўзал туйғуларни қайтадан уйғотади.

Улуғ аждодларимиз кўклам чоғи табиатда юз берадиган бундай ўзгаришларни, бутун борлиқнинг уйғонилиши йилнинг алмашиви, янги йил – янги куннинг келиши, деб билганлар. Ва шу тариқа неча-неча минг йиллардан бери Наврўз айёми шарқ халқларининг қутлуғ байрами сифатида нишонлаб келинади. Халқ ўз оруз истаклари, ҳаётдан, безавол умрдан кутаётган улуғ незматларни Наврўз билан чамбарчас боғлаб, бу айёмни соғинч билан қаршилайди. Наврўзни халқ сайиллари билан гўзал байрам сифатида нишонлаш эл-юртнинг бекиёс миллий қадриятларидан бирига айлангани боиси ҳам шунда.

Ҳар қандай миллий қадрият эса, ўша халқнинг ўзлигини аңлатади. Боболари, аждодлари ким экани, улар қандай яшаб, қандай умргузаронлик қилганларини унутмаслик, буюк ўтмиши, улуғ тарихи, аждодлар шавкати билан фахр-ифтихор туйғиш ҳар қандай миллатнинг кучига куч қўшган, қудратига қудрат бағишлаган. Бирор босқинчи қай бир юртни истило қилмоқчи бўлса, аввало, унинг миллий қадриятларини йўқотишга ҳаракат қилади. Тарихда бизнинг қадим Турон юртимизга қай томондан ёвуз босқинчилар, "нонга тўйганда ҳам маконга тўймаган" талончилар бостириб келган бўлса, халқимиз хотирасидан миллий қадриятларни ўчириб ташлашга жон-жаҳди билан тиришган. Негаки, миллий қадриятларидан мосуво бўлган эл-юрт ўзлигини, буюк аждодлари шавкатини унутишга маҳкум бўлади. Қадриятларидан, миллий тағзаминидан ажралган халқни қул қилиб ишлатиш,

бойликларини талаш, истаганча таҳқирлаш осон кечган. Шунинг учун мустақиллик замонларида халқнинг тарихини сохталаштириш, миллий қадриятларини эскилик сарқити деб камситиш ва шундай уринишлар орқали ўсиб келаётган ёш авлодларни илдиридан ажраган дарахтдек маънавий қадриятларидан бебаҳра, манкурт ҳолда яшати, босқинчиларнинг мақсад-муддосларига мос келадиган ўзга маданиятларни руҳиятига сингдиришига замин хоҳирланган.

Буни аңгаш учун тарихнинг олис пучмоқларига назар солиш шарт эмас. Бундан ўттиз-ўттиз беш йил муқаддам, шуролар замонининг айна гуллаган чоғлари Наврўз байрамини таққиллаш юзасидан олиб борилган ташвиқоту амр-фармонларни эслашнинг ўзи кифоя. Улуғ шоиримиз "Офтоб поймол бўлмас, қавақларда қолмас ой нури", деб ёзганди.

Мустақиллик йилларида республикамизда инсоний қадриятларни янада камол топтириш, ўз-ўзига ишонч руҳи ва миллий гурурли мустаҳкамлаш, дўстлик, биродарлик, ҳамжихатлик, меҳр-шафқатни улуғлаш, маданий ва тарихий аъёнларни давом эттириш ҳамда ривожлантириш, асрлар давомида шаклланган урф-одатлар ва удуларни эъозлаш мақсадида Наврўз байрамини кенг нишонлаш юзасидан муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, байрамни аҳолининг истак ва хоҳишларига, ҳар бир жойининг ўз шароитларига қараб, маҳаллаларни кенг жалб этган ҳолда ўтказиш, ҳар бир фуқарога иззат-икром кўрсатиш, қариялар, болалар, беморлар, ногиронлар ҳолидан хабар олиш, бева-бечора ва боқувчисидан ажралганларга меҳр-шафқат кўрсатишга алоҳида эътибор беришга кўзда тутилмоқда. Наврўз байрамини нишонлашга доир ягона гоя – инсонни улуғлаш, миллий гурурли кўтариш, ҳамжихатлик, биродарлик, меҳр-шафқат, тинч-тотувлик мақсадларини ўзида ифода этди.

1991 йил миллий тарихимизда энг буюк воқеалар рўй берган йил сифатида ҳар бир ўзбек ва ўзбекистонлик учун бениҳоя қадри. Шундай буён

ҳар йили кўклам фаслида аънавий тарзда ўтказиб келинаётган Наврўз байрами халқимиз миллий аъёнларининг асрлар губоридан поклиниши ва қайта юз очилиш сифатида янги мазмун билан бойиб бормоқда. Наврўзни Узбекистонда яшаётган барча халқлар ўз миллий байрамларидек қабул қилиб, тўкин дастурхон ва халқ сайиллари билан нишонламоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2023 йил 1 мартдаги "2023 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарориде халқимизнинг кўп асрлик эзгу қадриятларини, унинг орзу-интилишларини ўзида мужассам этган ушбу қутлуғ айём мустақиллик йилларида мамлакатимизда яшаётган турли миллат ва элатларга мансуб барча ватандошларимиз учун умумхалқ байрамига айлангани, Наврўзи оламнинг руҳи ва фалсафасида мужассам бўлган аҳиллик ва бағрикенглик, аҳиллик ва ҳамжихатлик, атроф-муҳитни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш каби олижаноб гоёлар Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган тарихий ўзгаришларнинг мақсад ва мазмунига тўла ҳамоҳанглиги, ҳозирги кунда жамиятимизда ҳукм сураётган тинчлик, дўстлик ва биродарлик туйғуларини мустаҳкамлаш, халқимиз, аввало, ёш авлодимиз қалби ва онгида Ватанимизнинг бўғани ва келажагига дахлдорлик туйғусини кучайтиришда Наврўз байрамининг аҳамияти тобора ортиб бораётгани таъкидланган.

Президентимиз қарориде шарқона янги йилнинг бошланиши, табиат уйғонишининг ранжи, асл миллий, энг ардоқли байрам бўлмиш Наврўзнинг юртимизда меҳр-оқибат, ҳамжихатлик, инсонийлик, бағрикенглик ва бунёдкорлик, хайр-саховат, ёшларни муҳитини янада мустаҳкамлаш, ёш авлодни миллий аъёнларимизга садоқат ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида камол топтиришдаги ўрни ва таъсири тобора ортиб бораётганини инобатга олиб, бу қутлуғ айёмни юксак савияда нишонлаш тадбирлари белгиланган. Наврўз руҳи ва фалсафасида ақсони топган меҳр-мурувват, аҳиллик ва тотувлик, ёши улуғ инсонлар, табарруқ отахон ва онахонларни ҳар томонлама эъозлаш, кўмакка муҳтож инсонларга беғараз ёрдам бериш билан боғлиқ хайрия тадбирларини амалга ошириш; янги деҳқончилик мавсумининг бошланиши, яшариш ва янгилашиш, кут-барака, ободлик ва фаровонлик рамзи бўлмиш Наврўз фаслида маҳаллаларда, шаҳар-қишлоқларда ҳашарлар, кенг қўламда ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишларини ташкил этиш; бўлиб ўтадиган сайилларга фольклор гуруҳлари,

бадий ҳаваскорлик жамоалари, дорбозлар, цирк артистлари, оилавий ансамбллар, бахшилар, шоирлар, шунингдек, профессионал ижрочилар ва истеъдодли эстрада артистларини кенг жалб этиш; сайил дастурларини тайёрлашда халқ уйинлари, фольклор санъатининг энг яхши намуналарини, эл-юрт дилидан жой олган урф-одатлар, эзгу туйғуларни тараннум этадиган куй ва қўшиқлар, ўлан ва лапарларга кенг ўрин бериш кўзда тутилган.

Дарҳақиқат, Наврўз айёми сайиллари замирида меҳр-оқибат, ҳамжихатлик, инсонийлик, бағрикенглик ва бунёдкорлик, хайр-саховат, ёшларни миллий аъёнларга садоқат ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида камол топтиришдек эзгу фазилятлар мужассамдир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига биноан жорий йилнинг 18 март кунини бутун мамлакатимиз ҳудудида умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилди. "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили" давлат дастурига биноан барча турар жой меззелари ва маҳаллаларда ижтимоий ҳимояга муҳтож кексалар, ногиронлар, ёлғиз қариялар, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг уй-жой шароитларини яхшилашга ақиндан кўмаклашилди. Аҳоли пунктлари, кўп қаватли уй-жойлар, ҳовлилар атрофи, гузарлар, хиёбонлар, зиёратгоҳлар, қабристонлар тартибга келтирилиб, ариқлар, кўча ва йўлақлар, болалар майдончаларини ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Халқимизга хос бўлган меҳр-мурувват фазилятларини давом эттириб, муҳтарам нурунийларимизни ҳар томонлама эъозлаш, "Меҳрибонлик", "Мурувват" ва "Саховат" уйларида яшаётган кишиларга, ёрдам ва кўмакка муҳтож фуқароларга беғараз ёрдам бериш билан боғлиқ хайрия тадбирларини ўтказиш белгиланди.

Президент Қарорига биноан бу йилги Наврўз умумхалқ байрами юртимиз бўйлаб халқ сайиллари тарзида кенг нишонланди. Унинг замирида меҳр-оқибат, ҳамжихатлик, инсонийлик, бағрикенглик ва бунёдкорлик, хайр-саховат, ёшларни миллий аъёнларимизга садоқат ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида камол топтириш фазилятлари мужассам экани кенг тарғиб қилинади. Наврўз тантаналари маҳаллалар, шаҳар-қишлоқларда халқ сайиллари билан ўтказилиши рамзий маъно-мазмунга эга. Минг-миг йиллик қадриятларни ўзида жамлаган Наврўз эзгу аъёмларга шу қадар бойки, буни табиатнинг шунчаки яшариши билан изоҳлаб бўлмайди. Негаки, Наврўзда инсон қалби, руҳияти ва тафаккури ҳам янгиланади, юракларда муҳаббат, мурувват, саховат тошади. Ҳар бир ҳудуд-

да Наврўз билан боғлиқ урф-одат ва аъёнлар кўп. Жумладан, тоғли ҳудудлар аҳли байрамни "Бойчечак сайли" ёки "Бойчечак хабари" билан бошлайди. Болалар бойчечакдан гулдаста ясаб, бойчечак кўшигини айтиб уйма-уй кириб, баҳор келганидан дарак беради. Кексалар, касалманд кишилар кўклам элчисини кўзда ёш билан қаршилайди. Бойчечакни кўзларига суртиб, шукрона келтиришади, болаларга суюнчи беришади.

Жанубий ўлкаларимизда баҳорнинг илк кунлари "Қозон тўли" удуми ўтказилиб тухумбарак тайёрланади. Бу янги бошланаётган йилнинг ризқ-рўзали, кут-баракали келиши учун холис ният ифодаси. Фарғона водийсида дорбозлар, полвонлар беллашуви билан бу гўзал айём фаизига фаиз қўшилади. Қорақалпоқ диёрида эса бахшилар дўмбрасига ёш-яланглар жўр бўлади, халқона термалар, достонлар куйланади. Утовлар ёнида дошқозонлар осилиб, "Наврўз гўжа" тайёрланади. Қашқадарё ва Сурхондарёда ёрма ва сумалаклар пиширилади, дастурхонни кўк сомсалар беазиди. Пойтахтимиз Тошкент маҳаллаларида эса, халиму сумалак пиширилиб, асрий аъёнлар улуғланади. Барча вилоятларда элимиз фарзандлари, ёш болалар осмонга турфа хил варрақлар учуриб, кўнгиллари шод этади. Халқ сайиллари, оммавий маросимлар эл-юртни бирилаштириб, ўзаро ҳамжихатликка, бирдамлик ва фаровонликка йўл очади.

Истиқлол йилларида Наврўз ва Мустақиллик байрамларини юртимиз ободлиги, халқимиз манфаатларига хизмат қиладиган янги бунёдкорлик иншоотлари, обод қишлоқлар, кўприклар, янги йўللар очиб билан қаршилаш гўзал аъёнга айланади. Бу йилги Наврўз байраминда ҳам гўзал Ватанимизни янада обод этиб, халқимиз учун бекиёс қулайликлар яратадиган кўплаб янги ободончилик иншоотларини фойдаланишга топширишга пухта тараддул кўрилди.

Буюк мутафаккир шоиримиз Алишер Навоий ҳазратлари "Оз-оз ўрганиб доно бўлур, қатра-қатра йигилиб, дарё бўлур", деб ёзганидек, Наврўз айёми ва Мустақиллик байрамлари арафасида элнинг узогини яқин, оғирини енгил, Ватани обод, эл-улусни фаровон қиладиган бундай иншоотлар, йўللар, мукаммал лойиҳаланган янги уй-жойлар, обод қишлоқлар, йирик саноят корхоналари элимизга, халқимизга туҳфа қилиниб борар экан, улар бир бутун ҳолда бутун мамлакатимиз ободлиги, халқимиз бадавлатлиги тисмонига айлиниб, жаҳон узра истиқлол замонида миллий таракқиёт бобида эришган улкан ютуқларимизни намоён этажақдир.

Республика ишчи гуруҳи Андижон вилоятида ўрганиш ишларини олиб бормоқда

Райҳона ХЎЖАЕВА, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Баҳор фасли келиши билан баъзи ҳудудларда хавфсизлик чора-тадбирларига эътибор кучайтирилади. Чунки, сел ва сув тошқинларнинг олдини олиш масъулиятли вазифа.

Андижон вилоятида тошқин суви ва сел оқимларини хавф-хатарсиз ўтказишни таъминлаш, қор ва ер кўчки ҳодисалари зарарини камайтириш борасида қатор ишлар бажарилмоқда. Хусусан, вилоятнинг 16 та шаҳар ва туманларида Узбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 ноябрдаги "Аҳолини ва ҳудудларни хавфли гидрометеорологик ҳодисалар ҳамда геологик жараёнлар билан боғлиқ фақуллода вазиятлардан муҳофаза қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-426-сонли қарори ва Узбекистон Республикаси Бош вазирининг Тошқин қарши Ҳукумат комиссиясининг 2023 йил 31 январдаги 14-сонли баёнига асосан, республика аҳолиси ва ҳудудларини тошқин сувлари, сел оқимлари ва кўчки ҳодисалари хавфи билан боғлиқ фақуллода вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, вилоят ва унинг 16 та шаҳар ҳамда туманларида тошқинга қарши тезкор штаблар фаолияти йўлга қўйилди. Тошқин хавфи мавжуд ҳудудларда жами 11 та кузатув-назорат пости ташкил этилиб, алоқа воситалари билан таъминланди. Шунингдек, аҳоли билан фақуллода ҳолатлар юз берганида қандай ҳаракатларни амалга ошириш лозимлиги юзасидан давра субхатлари ҳам ўтказилди.

Таъкидлаш лозимки, мазкур йўналишдаги ишларни ўрганиш давомида қа-

тор камчилик ва муаммолар ҳам аниқланди. Хусусан, Қорадарёнинг Қўрғонтепа, Андижон, Избоскан ва Балиқчи туманлари ҳудудидан оқиб ўтувчи қисмида химоя дамбаларининг чап ва ўнг қирғоқ қисмлари емирланганлиги ҳамда дарё ўзани тўлганлиги сабабли 1093 та хонадон ҳамда 3480 нафар аҳолига зарар етиш хавфи мавжудлиги аниқланди. Шу билан бирга, вилоятда 61 та мавжуд сел сувларидан химоя қилувчи селхоналар Қорадарё, Тентақсой, Майлисой, Шахрихонсойларни ўрганиш натижасида аниқланган камчиликлар ишчи гуруҳ томонидан бартараф этилмоқда.

Маълумот учун, "Тошқин сувлари ва сел оқимларини хавф-хатарсиз ўтказиб юборишни таъминлаш, қор кўчиши ва ер кўчки ҳодисалари хавфини камайтириш" бўйича Ҳукумат комиссияси мажлисининг қайд этилган баёни билан Қурилиш ва уй-жай коммунал хўжалиги вазирининг Батир Закиров Республика ишчи гуруҳининг Андижон вилоятига масъул этиб белгиланган.

Айни кунларда вазирилик ва бошқа тегишли ташкилотлар масъулларидан таркиб толган ишчи гуруҳ Андижон вилоятида тошқин суви ва сел оқимларини хавф-хатарсиз ўтказишни таъминлаш, қор ва ер кўчки ҳодисалари зарарини камайтириш борасида нозорат ҳамда тарбият тадбирларини ўтказмоқда. Шунингдек, ишчи гуруҳ томонидан вилоятдаги мавжуд селхоналар ҳолати ҳам ўрганилди.



Хусусан, Хўжаобод тумани Тошобод маҳалласида жойлашган 3 та селхона фаолияти жорий йилнинг февраль ойида ўрганилиб, натижалар бўйича маълумотлар вилоят ва республика сел-сув тошқинлари бўйича комиссияларга киритилган. Шунингдек, аниқланган камчиликлар юзасидан масъулларга зарур вазифа ва топшириқлар ҳам белгиланган эди. Шундай бўлса-да, бугунги кун ҳолатига кўра, туманда жойлашган 1-селхонада ҳеч қандай иш амалга оширилмаган. 2-селхонада аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан амалий ишларни бошлаган. Ушбу нозорат тадбирлари давомида 3-селхонада ҳеч қандай муаммо аниқланмаган бўлса-да, ҳудудларни тозалаш бўйича зарур вазибалар белгиланди.

Соҳада масъуллар томонидан кузатилаётган эътиборсизлик ҳолатлари нозорат тизимини янада кучайтириш заруратини тугдирмоқда. Шу боис, ишчи гуруҳ тегишли ташкилотлар вакиллари ҳудудларга қақирган ҳолда аҳоли ҳаётига хавф тугдирishi мумкин бўлган ҳодисаларнинг олдини олишда бефарқлик қилмаслигини таъкидлади.

Республика ишчи гуруҳи томонидан аввалги ўрганишларда кўрсатиб ўтилган камчиликлар нозорат тарзида қайта ўрганилди. Янги объектларда аниқланган муаммолар масалаларни бартараф қилиш бўйича мутасаддиларнинг жавобгарлиги эслатилди. Ишчи гуруҳи аъзолари белгиланган вазибаларнинг ўз вақтида бажарилмагани учун масъуллар фаолиятини қаттиқ танқид қилди.

Андижон шаҳар Боғишамол даҳасида сел-ариқ химоя зоналари Республика ишчи гуруҳи томонидан ўрганилганда бир қатор камчиликлар аниқланди, - деди

Андижон шаҳар ҳокимининг қурилиш масалалари бўйича ўринбосари Фаррух Эргашев. - Шу камчиликларга асосан шаҳар ишчи гуруҳи ҳам ташкил этилиб, нозорат ўрнатилган. Хусусан, селхоналар химоя ҳудудида ноқонунли қурилмалар қилган фуқаролар билан гаплашиб, огоҳлантириш хатлари берганми.

Ҳудди шундай ўрганиш ишлари вилоятнинг Олтинқул тумани ҳудудидан ўтган Қорадарё бўйларига ҳам олиб борилди. Мазкур ҳудудда жорий йилнинг февраль ойида ҳам ўрганиш ишлари олиб борилган бўлиб, фақуллода ҳолат келтириб чиқариши мумкин бўлган вазиятлар юзасидан маълумотлар умумлаштирилган ҳамда Республика сел-сув тошқини бўйича комиссиясига киритилган. Бу гапни ўрганишларга кўра, дарё ўзанининг ўзгариши натижасида тупроқ кўчиш ҳолати бир ой аввалги ҳолатдан 8-10 метрга ошгани аниқланди. Таъкидлаш лозимки, дарё ёқаси бўйлаб катта кучлишлик электр тармоғи ҳамда магистрал газ қувури ўтказилган. Бу эса масалага янада жиддийроқ ёндашушни талаб этади.

Дарё бўйидаги мавжуд ҳолатни олдини олиш эътибор ва маблағ талаб қилади. Шу маънода, 2024 йил Давлат дастурида қирғоқда мавжуд муаммоларни бартараф этиш, тиклаш учун маблағ ажратилиши кўздан тутилган. Аммо мутасаддиларнинг билирилган билан бир ой аввалги ҳолатдан 8-10 метрга ошгани аниқланди. Таъкидлаш лозимки, дарё ёқаси бўйлаб катта кучлишлик электр тармоғи ҳамда магистрал газ қувури ўтказилган. Бу эса масалага янада жиддийроқ ёндашушни талаб этади.

Дарё бўйидаги мавжуд ҳолатни олдини олиш эътибор ва маблағ талаб қилади. Шу маънода, 2024 йил Давлат дастурида қирғоқда мавжуд муаммоларни бартараф этиш, тиклаш учун маблағ ажратилиши кўздан тутилган. Аммо мутасаддиларнинг билирилган билан бир ой аввалги ҳолатдан 8-10 метрга ошгани аниқланди. Таъкидлаш лозимки, дарё ёқаси бўйлаб катта кучлишлик электр тармоғи ҳамда магистрал газ қувури ўтказилган. Бу эса масалага янада жиддийроқ ёндашушни талаб этади.

Ҳудудлар қиёфасига замонавий руҳ бағишланмоқда

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Қашқадарё деганда заҳматқаш халқнинг ўтмиши ва турмуш-тарзи, хомашё захирасига бой бепоён далаларию, саноят ишлаб чиқариш корхоналари кўз ўнгимизда гавдаланади. Кейинги йиллардаги янгилинишлар тўғрисида вилоятда ўнлаб завод ва фабрикалар, кўп қаватли турар жойлар, ижтимоий объектлар бунёд этилаётгани ҳамда уй-жойга эҳтиёжман аҳолининг ватани бўлаётгани ҳам иқтисодий ислохотларнинг шарофати эканини воҳаликлар яхши ҳис қилишмоқда.

Ижтимоий муаммоларни ҳал этишда айниқса, ҳукуматимиз томонидан Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида қурилиш соҳасини техник жиҳатдан тартибга солиб, қурилиш ва лойиҳалаштириш ишлари сифатини ошириш, аҳолини уй-жой билан таъминлаш, замонавий инфратузилма яратиш бўйича белгиланган вазибаларни қашқадарёликлар учун ҳам муҳим дастуриламал бўлмоқда. Бундан ташқари, вилоятда йил сайин аҳоли сонининг ўсиб бораётгани урбанизация жараёнларини кучайтириб, замонавий уй-жойлар ва ижтимоий инфратузилмаларга эҳтиёжини оширяпти.

Президентимизнинг 2017 йил 2 майдаги ПҚ-2946-сонли қарорига асосан, "ЎзшаҳарсозликЛИТИ" ДУКнинг Қашқадарё вилояти филиали ташкил қилинган ҳам юқоридаги мақсадга эришишда муҳим ўрин тутмоқда. Филиал томонидан 12 та шаҳар ва Янги Миришкор, Мироқчи, Жейнов ҳамда Майманок каби шаҳарчаларнинг шаҳарсозлик бош режалари ишлаб чиқилди. Бундан ташқари, 1 та шаҳарча тоифасидаги туман маркази - Муғлоннинг бош режа лойиҳаси дастур доирасида тайёрланди, 2022 йилнинг 10 ноябрда республика Архитектура-шаҳарсозлик кенгашида маъқулланди. Белгиланган ҳужжатларга қатъий амал қилинаётгани натижасида вилоят маркази - Қарши шаҳри, ҳудуддаги туман, шаҳар ва қишлоқлар қиёфаси тубдан ўзгармоқда.

"ЎзшаҳарсозликЛИТИ" ДУКнинг вилоят филиалидан олинган маълумотга кўра, ўтган даврда мавжуд шаҳарларнинг 25 та батафсил режалаштириш лойиҳалари ишлаб чиқилган. Шу сингари тасдиқланган дастурга асосан, ўтган 2022 йилда Чироқчи туманининг Хумо ва Олмасор, Яққабғ туманидаги Эсат, Қўшчинор, Деҳқонободдаги Ўзбекистон, Қамаш туманидаги Окгузар ҳамда Шаҳрисабз туманидаги Оқдарё маҳаллаларининг ҳудудларини шаҳарсозлик жиҳатдан ривожлантириш схемалари тайёрланиб, лойиҳалари жамоатчилик муҳокамасига тақдим қилинди.

Давлатимиз раҳбари 2022 йилнинг 21-22 апрель кунлари вилоятга ташириш чоғида янги ташкил қилинган Қўдағла туманини замон талаби даражасига мослаш ва унинг маъмурий-ҳудудий чегарасини ҳи-

собга олган ҳолда, туман маркази - Еттитом шаҳарчасини 2040 йилгача мўлжалланган бош режа лойиҳаси ва Қарши шаҳрининг 2030 йилгача бўлган бош режасига тузатиш киритиш ҳамда шунга мувофиқ шаҳар чегара чизиги лойиҳасини тайёрлаб, Вазирлар Маҳжамасига киритиш бўйича мутасаддиларга топшириқ берган эди. Унинг ижроси юзасидан бош лойиҳа институти - "ЎзшаҳарсозликЛИТИ" ДУК томонидан мазкур лойиҳаларни Қурилиш вазирилик ҳузуридаги Республика архитектура-шаҳарсозлик кенгаши аъзолари томонидан кўриб чиқилиб, тасдиқланди.

Шу билан бирга, "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" давлат дастурлари ижросини таъминлаш бўйича ҳам вилоятда катта ишлар олиб борилаётган. Жумладан, умумий 180 та, шундан, 2022 йилда 30 та маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудларининг бош режа лойиҳалари ишлаб чиқилиши билан бир вақтда қишлоқ (овул) аҳоли пунктларининг батафсил режалаштириш лойиҳалари ҳамда ёндош маҳаллаларини шаҳарсозлик жиҳатдан ривожлантириш схемалари тайёрланди.

Айтиш жоизки, филиал жамоаси томонидан ўтган йили туманларда ташкил қилинган массивларда 5 қаватли турар жой биноси учун вилоят ҳокимлигининг "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси буюртмасига асосан бош режа ва қурилиш лойиҳалари ишлаб чиқилган. Шунингдек, кичик саноят зоналари бош режа лойиҳаларини тайёрлаб, Қарши шаҳрида қурилган 3 та 16 қаватли уй-жой биноларининг иччилик сув тармоғи ва ташқи канализация тармоғи қурилиши лойиҳа-смета ҳужжатларини ҳам шаҳарсозлик талаблари даражасига мос равишда яратиш ишлари бажарилди.

Маълумот ўрнида айтиш керакки, халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада оширишга йўналтирилган шаҳарсозлик бўйича норматив ҳужжатлар ҳаётга кенг татбиқ қилингани тўғрисида кейинги йилларда қишлоқ ва овуллар ҳам шаҳар қиёфасига яқинлашмоқда. Шаҳарсозлик схемалари ва лойиҳаларини амалга оширишдан олдин жамоатчилик муҳокамасига қўйилаётгани эса бу борадаги сайё-ҳаракатларнинг шаффоқлигини таъминлаб, ҳар бир иш пишқ-пухта амалга оширилишига шароит яратмоқда.

Бу йил қанча цемент ишлаб чиқарилади?

Райҳона ХЎЖАЕВА, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Қурилиш материаллари саноатида энг кўп ишлатиладиган ҳамда энг кўп ишлаб чиқариладиган маҳсулот бу албатта, цемент эканини яхши биламиз. Маълумки, қурилишнинг сифати энг аввало, цементга боғлиқ бўлиб, унинг тўғри танланган маркази барпо этиладиган иншоотнинг келгусида қанча муддат "қилт" этмай хизмат қилишини таъминлайди.

Шу боис, юртимизда бошқа қурилиш материаллари билан бир қаторда цемент ишлаб чиқаришга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда республикамизда жами 34 та цемент заводи фаолият қўрсатаётган бўлиб, уларнинг йиллик қуввати 25 млн тоннани ташкил этади. Ҳисоб-китобларга кўра, 2023 йилда жами цемент ишлаб чиқариш ҳажми 17,01 млн тоннага етказилиши мўлжалланмоқда. Хусусан, январь-февраль ойларида республика бўйича 1,12 млн тонна цемент ишлаб чиқарилган.

Бу ҳақда АОҚАда ўтказилган брифингда "Ўзсаноатқурилишматериаллари" уюшмаси ахборот хизмати раҳбари Жаъид Шерметов батафсил маълумот берди.

Брифингда юртимизда амалга оширилаётган қурилиш бунёдкорлик ишларига сифатли цемент етказиб бериш мақсадида "Ўзсаноатқурилишматериаллари" уюшмаси томонидан бир қатор йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда, дея таъкидланди. Жумладан, жорий йилнинг ўзида 7 та янги корхонани ишга тушириш натижасида қўшимча 5,8 млн тонна қувват яратилиши режалаштирилмоқда. Хусусан, 2023 йилда "Қорақалпоқцемент" МЧЖ томонидан умумий қиймати 65 млн АҚШ доллари бўлган йиллик қуввати 1 млн 400 минг тонна цемент ишлаб чиқариш линияси ишга туширилди. Шунингдек, "Эко цемент" МЧЖ, "Ишончли посбон текстиль" МЧЖ, "Жомбойцемент" МЧЖ каби цемент ишлаб чиқариш корхоналари ўз фаолиятларини бошлайди.

Бундан ташқари, брифингда жорий йилда амалга ошириладиган йирик инвестицион лойиҳалар ҳамда нархлар ҳақида ҳам маълумот берилди. 2023 йилда цемент ишлаб чиқариш бўйича амалга ошириладиган



инвестицион лойиҳаларнинг манзилли рўйхати кўра, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Жиззах, Наманган, Тошкент вилоятларида 1 тадан, Самарқанд вилоятида 2 та янги цемент заводларини барпо этиш режалаштирилган. Жорий йилнинг январь-февраль ойларида марказлаштирилган манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган объектлар қурилишига ўртача биржа котировка нархларида тўғридан-тўғри шартномалар бўйича 3,7 минг тонна цемент харид қилинган. Шу ўринда яна бир маълумот, январь-февраль ойларида биржа савдоларида бир тонна портланд цемент ўртача ҚҚС билан 601 минг сўндан сотилган.

Талаб юқори бўлган қурилиш материаллари саноатида миқёсида ҳам катта эътибор қаратилиши бу соҳанинг тараққиётига таъсир қилмай қолмайди. Хусусан, 2022 йилнинг 21 февраль кунини Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Уй-жойлар қурилишини ва қурилиш материаллари саноатини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-139-сонли қарори қабул қилингани ҳам соҳа ривожига муҳим қадам бўлди. Унга кўра, 2022 йил 1 мартдан бошлаб барча юридик шахсларга цемент, цемент клинкери ва қурилиш ойнаси-цементларисиз тўғридан-тўғри шартномалар асосида (квотасиз) экспорт қилишга рухсат бе-

Янги станциялар қурилиши – иқлим кафолати

Ислом ИБДУЛЛА, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Сиз истеъмол қилаётган электр энергияси учун қанча кўмир сарфланишини биласизми? 1000 МВт электр энергияси ишлаб чиқариш оддий иссиқлик электр станцияларида 13 минг тонна заҳарли газ, 165 минг тонна кўмир чангини ҳавога учишга сабаб бўлади. Бундан инсон учун энг самарали восита қуёш энергиясидир. Бу борада Жаҳон банки "Ўзбекистонда қуёш энергетикасини кенгайтириш - 2" лойиҳаси учун 12 миллион АҚШ доллари ажратади.

Авалло лойиҳа нимаси билан аҳамиятли? Албатта, бу орқали мамлакатимизда экологик тоза ва қайта тикланадиган энергия ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш мумкин. Шунингдек, "ашиқ иқтисодиёт"га ўтиш йўлида ҳукумат режаларини амалга ошириш ва энергетика соҳасида декарбонизациялаш - карбонат ангидрид гази эмиссиясини камайтириш жараёни жуда катта ҳисса қўшади.

Маълумки, 2019 йилда Ўзбекистон Африкадан ташқарида Жаҳон банки гуруҳининг "Scaling Solar" - "Кўёш энергетикасини кенгайтириш" дастурига қўшилган биринчи давлат бўлди. Дастур доирасида Навоий вилоятида 100 МВт қувватга эга "Ўзбекистонда қуёш энергетикасини кенгайтириш - 1" қуёш электрстанцияси ишга тушди. Халқаро молия корпорацияси эса тендерни ташкил этиш бўйича маслаҳат хизматларини ва лойиҳани амалга оширишни молиялаштиришни бўйинига олди. Бунга кўра, 2023 йилда тақдим этилаётган "Ўзбекистонда қуёш энергетикасини кенгайтириш-2" лойиҳаси Навоийда бажарилган лойиҳанинг муваффақиятига таянади. Умумий қуввати 440 МВт бўлган қуёш электрстанцияларини ишга тушириш орқали энергия ишлаб чиқариш ҳажми ошади. Таъкидланганидек, Жаҳон банки "Ўзбекистон МЕТ" АЖИКИ ҳудудда қуриладиган объект учун ҳар бири учун алоҳида 6 миллион долларга чакан банк кафолатларини тақдим этади.

Шунингдек, 2021 йилнинг июлида Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон тумани ва Жиззах вилоятининг Галлаорол туманида ҳар бири 220 МВт қувватга эга иккита янги қуёш электр станциясини

давлат-хусусий шериклик доирасида қурилиши бўйича БААнинг қайта тикланадиган энергия соҳасидаги "Масдар" компанияси тендер қолиби бўлган. Самарқанд ва Жиззах вилоятларидаги қуёш электрстанциялари йилга 1,1 миллиард киловатт-соатга қайта тикланадиган электр энергияси ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлади. Уларнинг ишлаши тўғрисида йилга 110 000 тонна ёки уларнинг бутун хизмат даври давомида жами 3,4 миллион тонна карбонат ангидрид эмиссиясининг олди олинади.

"Кўёш энергетикасини кенгайтириш" - Жаҳон банки гуруҳининг дастури бўлиб, ҳукуматларга хусусий молиялаштиришни жалб қилиш билан қуёш энергияси ишлаб чиқариш соҳасидаги йирик лойиҳаларни яратиш ва бу бўйича тендерлар ўтказишда кўмак беради. У эксперт маслаҳатлари, расмийлаштирилган ҳужжатлар, тасдиқланган молиялаштириш ва лойиҳани амалга оширишни молиялаштиришни бўйинига олди. Бунга кўра, 2023 йилда тақдим этилаётган "Ўзбекистонда қуёш энергетикасини кенгайтириш-2" лойиҳаси Навоийда бажарилган лойиҳанинг муваффақиятига таянади. Умумий қуввати 440 МВт бўлган қуёш электрстанцияларини ишга тушириш орқали энергия ишлаб чиқариш ҳажми ошади. Таъкидланганидек, Жаҳон банки "Ўзбекистон МЕТ" АЖИКИ ҳудудда қуриладиган объект учун ҳар бири учун алоҳида 6 миллион долларга чакан банк кафолатларини тақдим этади.


Шунингдек, 2021 йилнинг июлида Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон тумани ва Жиззах вилоятининг Галлаорол туманида ҳар бири 220 МВт қувватга эга иккита янги қуёш электр станциясини

Улканмизда халқаро инвестиция шароитининг яхшиланиши энергия ишлаб чиқариш станцияларини қуриш ва маҳаллий иқлим шароитидан сифатли қувват олиш имконини бермоқда. Қуёш энергиясидан фойдаланишга қаратилган улкан ҳаракатлар эса, амалда атроф-табиий муҳитининг яхшиланишига туртки бўлади.

*Bahoriy kayfiyat hukm surgan go'zal yurtimizning qadrli bayrami
bilan barcha yurtdoshlarimizni tabriklaymiz.
Kasbingizga rivoj, oilangizga tinchlik va xotirjamlik tilaymiz.*



“Shaharsozlik hujjatlari ekspertizasi” DUK





DILLARGA XUSHNUDLIK OLIB KELGAN UYG'ONISH FASLI KISHILAR
QALBIDA YARATUVCHANLIK, BARPO ETISH, BUNYODKORLIK
TUYG'ULARINI HAM JO'SH URDIRSA AJAB EMAS. QURILISH
SOHASINING QADRLI VAKILLARI, BARCHANGIZGA BAHORIY
UYG'ONISH VA NAFOSAT TIMSOLI -

NAVRO'ZI OLAM

MUBORAK BO'LSIN!

"TASHGIPROGOR" AJ

*Uyg'onish va yasharish fasli bilan
yurtimiz ahlini muborakbod etamiz.
Hayotning eng pokiza va beg'ubor
onlari har bir
xonadonga faqat
ezgulik va yaxshilik
olib kelsin!*

Navro'z
muborak!

"O'ZGASHKLITI" DUK



Kelinchak bahorning eng ko'rkam ayyomi -

Navro'zi olam

barchaga qutlug' bo'lsin.


Yurtimizning zamonaviy qiyofasini yaratishdek mas'uliyatli kasbingizga rivoj, oilangizga tinchlik-farovonlik tilaymiz.

"O'ZSHAHARSOZLIKITI" DUK

**AZALDAN YARATUVCHANLIK
TUYG'USI BILAN
YASHASHGA ODATLANGAN
MEHNATKASH XALQIMIZNI**

Navro'z

**BAYRAMI BILAN
TABRIKLAYMIZ.**



**TINCH VA FAROVON
YURTIMIZDAN BAYRAMLAR
ASLO ARIMASIN.
MINGYILLIKLAR OSHA
YETIB KELGAN QUTLUG'
KUN QALBLARGA
FAQAT SHODLIK
ULASHSIN!**

**Surxondaryo viloyati
Qurilish va kommunal xo'jaligi
sohasida hududiy
nazorat qilish inspeksiyasi**



*Мафтункор ва beg'ubor bahorning
eng ezgu bayrami –*

Navro'z
barchaga qutlug' bo'lsin!

Toshkent shahar
Qurilish va kommunal xo'jaligi sohasida
hududiy nazorat qilish inspeksiyasi



*Bodom gullarining shirin ifori, sho'x-shodon
bulbullarning erka nag'masi ila qalbimizga o'zgacha
xush kayfiyat bag'ishlab tashrif buyurgan*

Navro'zi olam

*barcha yurtdoshlarimizga muborak bo'lsin.
Yurtimiz bunyodkorligi yo'lida olib borayotgan
ishlaringizga rivoj, kasbingizga baraka tilaymiz.*

Sirdaryo viloyati
Qurilish va kommunal xo'jaligi sohasida
hududiy nazorat qilish inspeksiyasi

Atirguldek go'zal va lato'fat timsoli

Мавро'з

ayyomi bilan barchangizni muborakbod etamiz.

*Qalblarda yasharish, yashnatish tuyg'ularini uyg'otgan
bahor ayyomi yurtimizga tinchlik, xonadoningizga esa
totuqlik olib kelsin.*

*Ahillik, bizdamlilik hamjihatlik kabi ezgu fazilatlarni
o'ziga jo etgan qadimiy bayram barchangizga ko'tarinki
ka'fiyat va shodlik ulashsin.*

"QISHLOQQURILISHLOYIHA" MCHJ



Uyg'unish fastining
maftunkor ayyomi -

Navro'zi olam
barchangizga
muborak bo'lsin.

"TOSHEMIRYO'LLOYIHA" MCHJ



Bayramlar yarashgan jonajon
yurtimizning mehnatkash bunyodkorlari,
loyihachi va barcha aholisini

Navro'z ayyomi

bilan qutlaymiz.

**SAMARQANDDAGI
"UNIVER PRO STILE" MCHJ**

ЭНЕРГИЯТЕЖАМКОР МАТЕРИАЛЛАР – МУСТАҲКАМ ҚУРИЛИШ АСОСИ



Райҳона ХЎЖАЕВА, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Бугунги кунда мамлакатимизда қурилиш материаллари саноати шиддат билан ривожланиб бормоқда. Бунинг яққол исботи сифатида бунёд этилаётган уй-жойлар учун қурилиш материаллари 100 фоиз ўзимизда ишлаб чиқарилаётганини айтиш мумкин. Бу эса янги турар жойларнинг сифатли ва мустаҳкам, таннархи арзон бўлишини таъминлайди. Қолаверса, қурилиш индустриясида бугун 100 турдан ортиқ маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Хабарингиз бор, Президентимиз қарори билан, 1 майдан фойдаланишга топширилган кўп қаватли уйлар томлари бўш қисмининг камида 50 фоизда қуёш панелларини ўрнатиш талаби жорий қилинади. Шунингдек, қарорга кўра, худудини ёритиш учун электр энергияси таъминотининг камида 50 фоизи ушбу объектларда ўрнатиладиган қуёш панеллари орқали қопланиши талаб этилади.

Юртимиз шароитида электр таъминоти билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда қуёш панеллари энг мақбул ечимлардан бири сифатида қайд этилади. Қуёш батареялари – қуёш энергиясини тўғридан-тўғри электр токига айлантирадиган фотоволтаик конвертор, яъни яримўтказгичли қурилма бўлиб, улар махсус рамакларга жойланиб, қуёш панелларини ҳосил қилади. Аниқроғи, қуёшдан олинган ёруғлиқни электр токига айлантириб, фойдаланишга тайёр ҳолга келтирилган рамаклардир. Шунда фойдаланувчи давлат

электр тармоғидан деярли фойдаланмаган ҳисобланади. Бу панелни икки томонли ўз ҳисоблагичи бўлиб, давлат ҳисобидан ва қуёш энергиясидан умумий қанча фойдаланилганини кўрсатиб туради.

Бундан ташқари, республикада қурилиш соҳаси ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш комплексини янада ривожлантириш, худудларда аҳоли учун арзон уй-жойлар қурилишини таъминлаш, уй-жой қурилиши бозорига талаб ва таклиф номуносиблигини қисқартириш мақсадида 2022 йил 21 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Уй-жойлар қурилишини ва қурилиш материаллари саноатини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-139-сонли қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга мувофиқ, республиканинг 8 та туманида хом ашёни казиб олишдан уни қайта ишлаш, лаборатория текширувидан ўтказиш, тайёр қурилиш ва пардозбоп материаллар ишлаб

чиқаришга қўйилган қиймат занжирини яратувчи қурилиш материаллари кластерларини ташкил этиш ҳамда 16 та туман ва шаҳарларида бошқа худудлар билан саноат кооперациясини ташкил қилиш орқали қурилиш материаллари ишлаб чиқарилишини йўлга қўйиш белгиланган.

Дарҳақиқат, бутун дунёда қурилиш жараёнида сўнгги йилларда энергия тежамкор, инновацион қурилиш материалларидан фойдаланишга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Бу эса бино-иншоотнинг таннархини арзон бўлиши ва қурилиш ишларини тез фурсатда, сифатли амалга оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Хусусан, ривожланган давлатларда гишт ўрнига энергия тежамкор газобетондан фойдаланиш кенг омалашган бўлиб, мамлакатимизда ҳам ушбу қурилиш материалларини ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйиш, бу йўналишда жаҳон тажрибасини қўллашга алоҳида эътибор бериб келинмоқда.

Тахлилларга кўра, "Ўзсаноатқурилиш-материаллари" уюшма масъуллигида қатор йиллардан буён автоклав газобетон ишлаб чиқаришга ихтисослашган кўплаб корхоналар фаолияти йўлга қўйилган. Шунингдек, Бухородаги "Ханаду Гранд плюс" МЧЖда, Жиззахдаги "Inter Group Agro Export" МЧЖда ҳам газобетон ишлаб чиқариш бўйича самарали лойиҳалар амалга оширилган. Тошкент

вилоятининг Охангарон шаҳрида Европа технологиялари асосида бунёд этилган "East mining invest" МЧЖ ҚҚ томонидан йиллик ишлаб чиқариш қуввати 500 минг куб метр бўлган корхона фаолияти йўлга қўйилди. Ҳозирга қадар эса, бундай корхоналар юртимизнинг деярли барча худудларида бир нечталаб ташкил этилиб, фаолият юритиб келмоқда.

– Замонавий қурилиш материали ҳисобланган газобетон ғовак (тешик-тешик) бетоннинг бир тури бўлиб, оддий бетондан фарқи – таркибида 1-3 миллиметрли пуфаклар мавжудлигидир, – деди уюшма бошқарма бошлиғи Ботир Хўжабеков. – Айнан шу ғоваклар туфайли маҳсулот енгил, етарли даражада мустаҳкам, иссиқ ва совуқдан яхши ҳимоялаш хусусиятларига эга бўлади. Шунингдек, табиий газни 8 марта кам сарфлаши, энергия тежамкорлиги ва энг асосийси, унумдор тупроқнинг ишлатилмаслиги билан пишиқ гишдан бир неча маротаба афзал.

Хабарингиз бор, яқинда пойтахтимизнинг иссиқлик тизимидаги энг охириги нуқталари бўлган Учтепа ҳамда Чилонзор туманларида, шунингдек, Тошкент вилоятининг Чирчиқ ва Ангрэн шаҳарлари худудларида намуна сифатида кўп қаватли уйларни базальт плиталари билан қоплаш ишлари олиб борилди. Мутахассисларнинг фикрича, энергиятежамкор яна бир қурилиш материалларидан бири бу албатта – базальт ҳисобланади. Базальт плиталари билан қопланган уйларда ўртача 30-35 фоизгача энергосамардорликка эришиш мумкин. Базальтнинг самараси

ёз ойларида ҳам сезилади, ҳаво совуткич қурилмаларига бўлган эҳтиёж уч бараварга камади, чунки базальт қишда иссиқни, ёзда совуқни нисбатан сақлаш хусусиятига эга. Базальт тонали қоплама ташқаридаги шовқинни ҳам анча пайсаятиради. Бино фасадини ташқаридан базальт билан қоплаш амалиёти дунёда аллақачон ўзини оқлаган.

– Базальт экологик материал, – деди Ботир Хўжабеков. – У тошнинг бир тури бўлиб, 1400-2000 даражали оловда эритиб, ундан тола олинади ва пахта ҳолатига келтирилади. Бунинг афзаллиги – у аввало, иссиқ ва совуқни ўтказмайди. Ўзига нам тортмайди. Муҳими, моғор ҳам, бактерия ҳам ҳосил қилмайди. Ўтган йилда Тошкент шаҳрида йилига 30 минг тонна базальт тошидан иссиқлик сақловчи плиталар ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона фойдаланишга топширилган. 2023 – 2024 йилларда базальт тошидан иссиқлик сақловчи плиталар ишлаб чиқариш бўйича умумий қиймати 63,1 млн АҚШ доллари бўлган 3 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш режалаштирилмоқда. Корхоналар Андижон, Навоий ва Жиззах вилоятларида ишга туширилади ва йилига 95 минг тонна қўшимча қувват яратилади. Инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши натижасида жорий йилнинг ўзида республикада базальт тошидан иссиқлик сақловчи плиталар ишлаб чиқариш қуввати 178 минг тоннага етказилади.

Мутахассиснинг айтишича, бугунги кунда нафақат базальт, балки унинг бошқа аналогларига ҳам кенг эътибор қарати-

моқда. Масалан, вакуумда қилинган ғовакли бетон, кварц қумдан тайёрланган минерал вата ёки пеноплекс каби қурилиш материаллари ҳам бор. Аммо уни хонадонларда қўллаб бўлмайди, чунки у ёнучан материал ҳисобланади. Буни фақат бинонинг цокол қисмига ишлатиш мумкин.

Энергиятежамкор қурилиш материалларидан яна бири сендвич панеллар ҳисобланади. Ушбу замонавий қурилиш материалдан асосан, турар жой ва саноат биноларини қуришда фойдаланилади. Сендвич панеллар сезиларли даражада енгил бўлгани учун юклаш, транспорт ва ўрнатиш харажатлари анча кам. Сендвич панелларидан қурилган объектлар юқори даражадаги иссиқлик ва шовқин изоляцияси, намликка чидамлилиги билан ажралиб туради. Панелларнинг лаборатория ва техник синовлари материалнинг 150°C гача бўлган ҳароратларда ёнғинга чидамлилигини кўрсатди.

Мутахассиснинг таъкидлашича, сендвич панеллари иккита металл қатлам ўртасида иссиқлик изоляцияси материалга эга бўлган конструкциядир. Бошқа турдаги аналоглари орасида механик бардошлилиги, иссиқлик изоляцияси хусусиятлари ва намликка қарши юқори чидамлилиги коэффициентига эгаллиги билан ажралиб туради.

Бу каби энергия самарадор материаллар ҳақида жуда кўп ёзиш мумкин. Айнан улар туфайли бугун юртимизда минглаб шинам ва сифатли уй-жойлар қад ростламоқда. Энг муҳими ҳам шу аслида, сифатли маҳсулот мустаҳкам қурилиш асосидир.

Етти йўналишдаги лойиҳалар аҳоли фаровонлигини таъминлайди

Муҳиддин МАҒЗУМОВ, журналист.

Саноат ва ишлаб чиқаришни қўя турайлик, электр бўлмаса хонадонларимиз билан бирга дилларимиз ҳам қоронғуликка чулғанади. Айниқса, бу йилги қаҳратон совуқда энергия таъминотидаги узилишлар изтиробларни икки ҳисса зиёдалаштирди, десак ўринлидир. Демак, истеъмолчилик талаби ва ишлаб чиқариш ўртасидаги мувозанат бир маромда эмас. Ҳолбуки, ушбу талаб тобора ортиб бормоқда. Тўғри, таъминотни яхшилаш сари тармоқларни такомиллаштириш, қуриш ва янгилаш ишлари босқичма-босқич ва аниқ манзилли дастурлар доирасида тизимли амалга ошириладигани таъминоти лойиҳа. Лекин бундай чоралар воситасида электрни истеъмолчига етказиб бериш тармоқларининг қуввати оширилади холос. Аммо ишлаб чиқариш ҳажмини оширишнинг имкони чегараланган экан, "тақчиллик" аталмиш ҳолатни буткул бартараф этиш мушкул.

"Худудий электр тармоқлари" АЖ Наманган худудий филиали матбуот хизмати энергия таъминотидаги узилишлар, вилоятда энергия танқислиги оз эмас, кўп эмас нақ 490 миллион кВт соатга тенг экан. Бу етишмовчиликни бартараф этиш учун 2023-2024 йилларда энергия қувватини кўпайтириш бўйича манзилли дастур ишлаб чиқилган. Аниқроғи, шу йил 600 миллион кВт соат электр қўшимча манбалар ҳисобига ишлаб чиқарилиши режалаштирилган. Элик нафар кишини иш билан таъминлаган ёш тадбиркор ўзаро мулоқотда "Ака, Кўш панелларини ўрнатиш мажбурийми?" - деб сўраб қолди. Биз эса "Сен ишбилармонсан, масаланинг ихтиёрий ёки мажбурийлигига эътибор қаратиш ўрнига унинг нечоғли фойда келтиришини, қулай ҳамда афзаллик томонлари бор-йўқлигини таҳлил қилишнинг керак", дея жавоб бердик.

Рост-да! Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 февралдаги "2023 йилда қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежовчи технологияларни жорий этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги қароридан борадаги имтиёзу имкониятлар тўла белгилаб берилди-ку!

Тежамкор ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни омма-лаштириш давр талаби экан, бу борада Наманган вилоятда истиқболли етти йўналиш белгилаб олингани мақсадга мувофиқ.

Улардан биринчиси қўш фото электр станциялари ҳисобига жами 76 миллион кВт/соат электр энергиясини олиш кўзда тутилган. Шундан, бюджет ташкилотларида қўш панелларни "очиқ бюджет" давлат дастури орқали ўрнатиб, 7,6 миллион кВт/соат, кичик саноат зоналарида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларида 35 миллион кВт/соат, АГНКС ва хусусий АЕҚШда 1,8 миллион кВт/соат, давлат маъмурий-ҳуқуқий ва бошқа органлар биноларида 9,1 миллион кВт/соат, янги қуриладиган кўп қаватли уйлар ҳамда аҳоли хонадонларида 2,38 миллион кВт/соат, марказий кўчалар, кўча ёриш ти чироқлари, пидеалар ва саломатлик йўлакларидан қўш панеллари ўрнатиш ҳисобига 0,12 миллион кВт/соат аниқ ҳисоб-китоб қилинган.



Иккинчи йўналишдаги истиқболли лойиҳа ўрта, кичик ва микроЭСларни ривожлантириш орқали электр энергиясини ишлаб чиқаришни кўпайтиришга эришишдир. Бунда мавжуд салоҳиятдан самарали фойдаланиб, Учқўрғон туманида 12 мВт кичик ГЭСлар каскади, "Қамчиқ ГЭС", "Чортоқ микроГЭС", "Янгиарик микроГЭС" каби яна бир қатор ГЭСлар ёрдамида йиллик 120 миллион кВт/соат электр энергиясини ишлаб чиқарилмоқда. 2023 йилда вилоятдаги канал, кичик дарё ва сойларда жами 32 та микроГЭСни қуриш орқали йиллик 55,4 миллион кВт/соат электр энергиясини ишлаб чиқарилади. Бу ишларга 22 миллион доллар йўналтирилиб, шундан 5 таси "Ўзбекидроэнерго" АЖ ва 27 таси маҳаллий тадбиркорлар томонидан амалга оширилиши белгиланган.

Бугунги кунда 2 та объектда - Наманган вилоятининг Наманган шаҳридан ўтган қисмида 200 кВт/соатлик ҳамда Учқўрғон туманидаги Тўда каналида 100 кВт/соатлик микроГЭСларни қуриш бўйича амалий ишлар бошлаб юборилди. 2023-2024 йилларда канал ва сойларда қўшимча равишда 45 та микроГЭСни қуриш имконияти лойиҳачи ва тегишли мутахассислар билан ўрганилди. Бундан ташқари, "Ўзбекидроэнерго" АЖ томонидан 2023-2027 йилларда 5 та кичик ва ўрта ГЭСлар - Катта Андижон каналидаги Қўғай-1, Қўғай-2 ва Бешқўрғон, Қамчиқ дарёсидаги Қамчиқ-2 ва Қамчиқ-3 ГЭСларини қуриш режаси ҳам тузилган. Ушбу ГЭСлар орқали йиллик 186 миллион кВт/соат электр энергиясини ишлаб чиқарилишига эришилади.

Юқорида қайд этилган лойиҳаларни амалга ошириш орқали келажакда йиллик 324 миллион кВт/соат қўшимча электр энергия ишлаб чиқарилиши мўлжалланмоқда. Шунда вилоятдаги умумий гидроэнергетик ишлаб чиқарилиш ҳозирги 116 миллион кВт/соатдан 440 миллион кВт/соатга етказилади ёки 3,8 бараварга оширилади.

Навбатдаги лойиҳага кўра, электр энергиясидан самарасиз фойдаланиш ҳамда унинг олдини олиш бўйича 153 миллион кВт/соат электр энергиясини иқтисод қилиниши мўлжалланган. Хусусан, Европа тиклиниши ва тараққиёт банки маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган лойиҳа доирасида 35,1 минг гектар ер майдонининг сув таъминоти яхшиланади ҳамда қўшимча ерлар фойдаланишга ўтказилади. Норин-Сирдарё ИТХБ хузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармаси ҳисобидан 72 та насос станциясидаги эскирган насос агрегатлари модернизация қилиниб, 165,3 миллион кВт/соат электр энергиясини тежалади.

Шунингдек, Поп туманида 500 мВтли қўш фотоэлектр станциясини қурилиши ҳисобига жорий йилда 110 миллион кВт/соат электр энергиясини ишлаб чиқарилиши кўзда тутилган. Бундан ташқари, хусусий секторлар томонидан қўш фотоэлектр станциялари қурилиши ҳисобига қўшимча 149 миллион кВт/соат электр энергиясини ишлаб чиқарилади. Поп тумани, Хонобод маҳалласида "Ўзбекистон-Хитой" инновацион индустриал парк лойиҳаси доирасида 450 мВт қўш фото электр станциясини қурилиб, шу йил 4-чоракда 82,8 миллион кВт/соат электр энергиясини ишлаб чиқарилади. "Арт-софт" кластер МЧЖ томонидан Поп туманида Хитойнинг "Универсал Энерджи" компаниясини билан ҳамкорликда жорий йил 4-чоракда 120 мВт қўш фото электр станциясини ишга тушириш ҳисобига 66,2 миллион кВт/соат электр энергиясини ишлаб чиқарилиши режалаштирилмоқда.

Шу билан бирга, ишлаб чиқариш корхоналарига замонавий ускуналар ўрнатиш ва бошқа тадбирлар орқали 91 миллион кВт/соат электр энергиясини иқтисод қилишга эришилади. Бу наватдаги истиқболли йўналишга тегишли. Бунда Давлатобод туманида марказлашган иссиқлик тизимида ишга туширилган РК-1 РК-2

қозонхоналари ҳисобига, ҳаракатда ишга тушувчи-сенсор ёриш чироқларини ўрнатиш орқали, "Наманган сув таъминоти" МЧЖда Бунёдор маҳалласини ичимлик суви билан таъминловчи Булоқбоши сув иншоотида энерготежамкор электродвигателларни ўрнатилиши натижасида ҳамда Қизил Ровот ва Жийдақапа сув олиш иншоотида янги замонавий насос агрегатларини ўрнатиш эвазига йил давомида яна кўп миқдорда электр энергиясини тежаб қолишга эришилади. Шунингдек, реактив қувватни компенсацияловчи конденсатор қурилмаси ўрнатиш, электр қурилмаларини реконструкция ва модернизация қилиб, технологик йўқотишларни камайтириш ҳамда мавсумий ишлайдиган электр энергиясини истеъмолчиларининг электр қурилмаларини тўлиқ ўчириш ҳисобига 5 миллион кВт/соат тежалади.

Истиқболли лойиҳалар орасида хорижий корхоналар билан ҳамкорликда амалга оширилиши белгиланган режалар ҳам бор. Хусусан, Туркиянинг "SW ENERGY" компаниясини раҳбари Тарик Сарван ҳамда Мевлуд Алдирмас билан музокара олиб борилиб, қўш панеллари ишлаб чиқариш корхонасини ташкил этиш бўйича келишувга эришилди. Кореянинг "U Energy" компаниясини билан 10 миллион доллар Корея гранти ҳисобига "Юсалиш саноат зонаси"нинг юқори қисмидаги бўш ер майдонида қўш электр станциясини қурилиши юзасидан ҳамда Туркиянинг мазкур йўналишдаги энг илғор "Turksay Energy" компаниясини вакиллари билан музокара олиб борилади. "All solar" МЧЖ, "Sun High Tech" МЧЖ ва "Royal" МЧЖ каби корхоналарнинг филиаллари очилиб, иш ташкил этилган.

Бир сўз билан айтганда, вилоятда амалга оширилиши мўлжалланаётган етти йўналишдаги лойиҳалар орқали келгусида электр энергиясини бўйича кўплаб муаммолар барҳам топиб, аҳолининг эҳтиёжи тўла қопланишига умид қиламиз.



ЖИЗЗАХДАН ДАРАКЛАР

Дўстлик туманида бунёдкорлик қизғин

Фозилжон ҚОСИМОВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Дўстлик туманида ўтган 2022 йилда кенг қўламдаги бунёдкорлик ишлари амалга оширилган эди. Жорий йилда ҳам туманда аҳолини узоқ йиллар давомида қийнаб келадиган муаммолар ҳал этилиши бўйича ишлар бошлаб юборилди. Туманда 2022 йилда дастурлар доирасида жами 21 млрд сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Жумладан, 2022 йил 22 январдаги Инвестиция дастурига асосан, 6 та объектда 13,7 млрд сўмлик бунёдкорлик ишлари бажарилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 635-сонли қарорига асосан, ичимлик суви, электр энергия, ички йўллар ва бошқа инфратузилма объектлари билан боғлиқ долзарб масалаларни ҳал этиш учун туманга барча манбалар ҳисобидан 7,2 млрд сўм маблағ ажратилиб ишлар якунига етказилди. Шунингдек, туманда мактаблар, мактабгача таълим ташкилотлари, ички йўлларни таъмирлаш бўйича "Ташаббусли бюджет" доирасида 11 та тақлиф қилиб деб топилди ва ушбу объектлар учун 6,7 млрд сўм маблағ ажратилди.

Туманда 2023 йилда учта дастур доирасида жами 4,2 млрд сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиши кўзда тутилган. Хусусан, 2022 йил 30 декабрдаги Инвестиция дастурига асосан, 1,2 млрд сўмга "Ҳўжам Исроиллов", "Янги тараққиёт" ва "Жиззах оstonаси" фермер хўжалиқлари уюшмалари худудларида ёпиқ-ётиқ дренаж тармоқлари қурилиши мўлжалланган. Президентимизнинг қишлоқ ва маҳаллалар инфратузилмаси билан боғлиқ

масалаларни ҳал этиш мақсадида қилиб қилинган ПҚ-408-сонли қарорига асосан, тумандаги иккита объект учун 3 млрд сўм маблағ ажратилган. Шу жумладан, 3 млрд сўмга "Дўстлик" марказий сув иншоотидан Саритела маҳалласи сув иншоотида борувчи 3,5 километр магистрал сув қувурлари реконструкция қилинади ва 1 та хлорлаш ускунасини ўрнатилади. Маҳалла худудидаги 6 та кўчада яшовчи аҳоли учун 4 километр ичимлик суви тармоғи қурилиши кўзда тутилган. Вазирлар Маҳкамасининг 635-сонли қарорига асосан, Богзор маҳалласига 37 та темир-бетон таянчлар қўйилиб, 1 та трансформатор ўрнатилади.

Юқорида қайд этилган чора-тадбирларга қўшимча равишда тумандаги сектор раҳбарларининг шахсий ташаббуслари билан аҳолини қийнаб келадиган муаммоларни ҳал этиш учун 26 та объектда 12,4 млрд сўмлик қурилиш, таъмирлаш ҳамда ободонлаштириш ишлари бажарилиши режалаштирилмоқда.

Арнасой ва Форишда янги ичимлик суви тармоқлари



Арнасой туманидаги "Бўстон" МФЙ йўналиши бўйлаб 14 километр ичимлик суви тармоқларида ҳам қурилиш-таъмирлаш амалга оширилмоқда.

Жиззах вилояти "Қурилиш таъминоти" МЧЖ томонидан 2,0 километр масофада траншея қазилиб, Д-450 мм полиэтилен қувурларини ётқизиш ишлари амалга ошириляпти. Ҳозирда бу ерда экскаватор, юк машинаси каби техникалар ёрдамида 10 нафар мавсумий ишчи меҳнат қилмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2022 йил 25 октябрдаги ПҚ-408 сонли қарорига асосан, Арнасой туманида "Манзилли дастур"га киритилган объектларда ҳам самарали ишлар олиб борилмади. Фориш туман 1-сектор худудидаги Амир Темур номи маҳаллада аҳолини тоза

ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида ичимлик суви тармоғини тортаяпти. Ушбу ичимлик суви тармоғининг умумий узунлиги 21 километр бўлиб, 5 та сув иншооти ҳам бунёд этилади. Айни кунда сув қувурларини ётқизиш ишлари ҳам бажарилляпти. Мазкур ичимлик суви тармоғини бунёд этиш учун "Сув таъминот ва оқова суви объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси" унитар корхонаси Жиззах вилояти худудий бошқармаси бош пудратчи этиб тайинланган. Қурилиш ишларини "Сарвиноз локс транс" масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлари амалга оширмоқда.



IQTIMOY-IQTISODIY GAZETA
O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Батир Закиров
(Таҳрир хайъати раиси),
Шерзод Ҳидоятлов,
Давронжон Адиллов,
Жалол Арашов,
Козим Туляганов,
Юлдаш Мағрупов,
Жамшид Исмаилов,
Бобир Элмуродов,
Қудратбек Хошимбеков.

ТАҲРИРИЯТ:

Бош муҳаррир	Дилшод Жалолов
Бош муҳаррир ўринбосари	Райҳона Ҳўжаева
Саҳифаловчи	Акмал Акхаммов
Мусахҳиҳ	Марҳамат Мусулмонқулова

Газета «Ўзбекистон бунёдкори»
Наشريёт уйи МЧЖ томонидан
нашрга тайёрланди.

«ЎЗБЕКISTON БУНЁДКОРИ» НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:

Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш ва уй-жой коммунал
хўжалиги вазирлиги,
«Ўзсаноатқурилишматериаллари»
уюшмаси, «ЎЗАГШКЛИТИ» ДУК,
«ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК,
«Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ,
«ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100035, Тошкент шаҳри,
Нивёбек йўли кўчаси, 1-уй.
Телефонлар:
71-234-47-18 (қабулхона),
71-234-47-19 (таҳририят),
71-234-47-20 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими).
E-mail: info@uzbunyodkor.uz

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

Қорақалпоғистон
Республикаси: 90-590-37-15.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-705-50-15.
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 90-553-02-34.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сурхондарё вилояти: 91-981-61-63.
Фарғона вилояти: 90-230-85-23,
90-163-63-82.
Қашқадарё вилояти: 99-503-43-39.
Хоразм вилояти: 97-459-74-85.

Газета 2016 йил 25 июлда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида 0874-рақам билан
рўйхатга олинган.
Нашр индекси - 466.
Буюртма - Г-337.
1770 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми - 6 табоқ, офсет усулида
босилган. Баҳоси келишилган
нархда. ISSN 2181-8762.
Таҳририятга келган қўлёзмалар
тақриз қилинмайди ва муаллифга
қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан
сифатли чоп этилишига
«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси масъул.

КОРХОНА МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри,
«Буюк Турон» кўчаси, 41.
Навбатчи муҳаррир -
Р. Ҳўжаева.

Навбатчи - И. Ибодулло.

ЎАД якуни -
Топширилди - 23.30. 1 2 3 4 5 6

Газетанинг навбатдаги сони
2023 йил 28 март куни чиқади.

Наврўз: Наршахийдан Фирдавсийгача, Ҳайёмдан бугунги айёмгача

Муҳиддин МАҒЗУМОВ, журналист.

Наврўзни (янги кун) – баҳор фаслидаги кеча ва кундузнинг тенглигига тўғри келадиган янги йил байрами дейишади. Бу санани қадимда Эрон, Ўрта Осиё ва Кавказортида аҳолининг зардуштика мансуб қисми диний байрам сифатида ҳам нишонлаган. Шўролар тузуми барҳам топгач, мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб, умумхалқ байрами сифатида қайта тикланиб, “кўҳна ва навқирон айём” сифатида таърифланди.

Наврўзнинг кўҳналикни, қадимийлигини далилловчи ривоятлар кўп. Бу баҳорий айём ҳақида Бухоронинг Наршах қишлоғида туғилган Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар ибн Закариё ибн Ҳаттоб ибн Шарик ан-Наршахийнинг “Бухоро тарихи” асариди, Абу Райҳон Берунийнинг “Қонуни Масъудий” ва “Қадимий халқлардан қолган ёдгорликлар”ида ҳамда Умар Ҳайёмнинг “Наврўзнама”сида батафсил маълумотлар баён қилинган.

Наврўз жорий қилинган йилларнинг даврийлиги турлича бўлиб, тарихий манбаларда бундан 2500, 3700 йил аввал ва ҳатто қадим 4000 йилдан зиёд сана ҳам келтирилади. Мутаносиб тарзда ҳикоятлар ва талқинларнинг турфаги ҳам эътирофга сазовор. Хусусан, Наршахий ўз асариди Ромтин (Ромитан) қишлоғи ҳақида таъкидлаб: “... мустаҳкам бир қишлоқ бўлиб, Бухоронинг қадимийроқидир... Бу қишлоқни Афросиёб бино қилган”, дейди. “У ўзининг Сиёвуш номли куёвини ўлдирган... Бу қишлоқда ҳар ўн беш кунда бир кун бозор бўлади, йилнинг охирида эса йигирма кун бозор қилиб, йигирма биринчи кун Наврўз – янги йил байрамини ўтказадилар. Буни “Наврўзи кишоварзон” – “Деҳқонлар наврўзи” дейдилар. Бухоро деҳқонлари (йил кунлари) ҳисобини ўша кундан бошлайдилар ва бунга эътибор берадилар. Оташпарастларнинг наврўзи ундан беш кун кейин келади”.

Асарда эронлик Кайковуснинг ўғли Сиёвуш қисматининг наврўзга дохил жиҳатлари ҳам қайд этилган. У келишган, гўзал ва хушрўй, мард йигит бўлган. Кайковуснинг кейинги хотини – Судоба Сиёвушнинг севиб қолади. Сиёвушнинг бошига тушажак тўхматлар ўғай онанинг чорлов ва макрларини рад этгандан кейин бошланади. Ҳақу ноҳақни ажратиб учун шохнинг амри билан юртга овоза бўлгудек баланд алангали олов ёқилади. Сиёвушга шу гуриллаётган аланга ичидан ўтиш буюрилади. Сиёвуш катта гулханга қиришдан чўчимади – тўхмат балосидан кўра ўт балосини афзал кўради. Отига дадил қамчи босиб, оловга қиради ва соғ-омон қайтиб чиқади. Аммо тазийқлар шунда ҳам тўхтамайди. Отасининг жаҳлига рўбарў бўлган Сиёвуш ниҳоят, Жайхун дарёсини кечиб ўтади. Туронга, Афросиёб ҳузурига келади. Хукмдор уни яхши қабул қилиб, куёв қилиб танлайди – қизини беради. Кейинчалик Сиёвуш ўзидан бир ёдгорлик қолдиришни мақсад қилади. Бухорога келиб, кўп вақт шу ерда яшайди.

Афросиёб билан Сиёвушнинг аҳиллигини кўролмаган иғвогар галамислар турли миш-мишлар тарқатиб, ҳар икки арбобни ўртасига ниҳоқ солишга эришади. Бўхтонларга лақақ тушган Афросиёб Сиёвушни қатл қилади. Боши танидан жудо қилинган мақтулнинг қони тўкилган жой-



дан ниҳол, гуллар униб чиқади. Ўша дарахт ҳатто, қишда ҳам кўм-кўк турармиш. Шу тариқа Сиёвуш халқ наздида қайта жонланувчи рамзга айланди. Унинг жасади Бухородаги “Дарвозаи гурийн” деб аталган жойга дафн этилади. Шундан сўнг, бухоролик оташпарастлар қабрини муқаддас билиб, эркаклар ҳар йили баҳорги тенкунликда кўёш чиқишдан аввал Сиёвушга атаб битта хўроз сўйган. Марҳумга аталган “оташпарастлар марсияси” вилоятда машҳур бўлган.

Бу воқеага уч минг йилдан ортиқроқ вақт ўтди. Шунча асрлардан буён Сиёвуш дафн этилган жойда Наврўз нишонланади. Мазкур маълумотлар Наршахийнинг “Бу-

хоро тарихи”да келтирилган. Бугун Сиёвуш ҳикояси келтирилган тарихий китоб ёзилганига минг йилдан ошганини ҳисобга олсак, Наврўзнинг ёши тўрт минг йилдан ҳам каттароқ эканлиги аёнлашади.

Абулқосим Фирдавсий ўзининг довуғи дунёга таралган “Шохнома”сида Сиёвуш достонини тараннум этади. Асарнинг бош қаҳрамони, Эрон ҳарбий кучларининг қўмондони-ю таянчи – сейистонлик Рустами Достон Сиёвушнинг ўлимидан воқиф бўлган, саройга бостириб қиради ва Судобанинг бошини танидан жудо қилади. Сўнг, Туронга юриш қилади. Афросиёб мамлакатни тарқ этиб, қочади. Рустам ишғол этган юртни бир неча йил

бошқаради. Кейин она ватани Эронга қайтган, Афросиёб Туронга келиб, тахтига ўтиради. Орадан икки йил ўтиб, Сиёвушнинг ўғли Афросиёбни қатл этади.

Шарқда Наврўз қадим-қадим замонлардан бўён қимнатдаги кўёш ва сайёраларнинг ҳаракатига, буржларга монанд ҳамда ўзгармас табиий тақвимий сана ҳисобланишига иқдор бўлди. Иккинчидан, дунёнинг – алқасосу минал ҳақлиги ҳам таъбир жоиз бўлса, ўзгармас константа янглиғлиги тарихий ҳикоялар воситасида яна бир бор аминимиз.

Демак, юртимизда умумхалқ байрами сифатида нишонланаётган Наврўз айёмининг айримлар ўз тушунчасида талқин

қилганидек, Исломи динимизга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Шунингдек, мазкур ёшариш ва яшнатиш фасли баҳорнинг ажиб тенглик кунда пиширилган, қаҳратон қишдан “очиқиб” чиққан организмимиз учун зарур дармондориларга бой шифобахш сумалак ҳам тилак тиланадиган илохий таом эмас.

Наврўз табиатдан завқланиб яшаш, ўсимликлар оламини асраш, атроф-муҳитни ободонлаштириб, мусаффолашга ва тинч-тотувлик оғушида ўзаро меҳр-оқибат, катталарга ҳурмат ҳамда кичикларга иззат, фаросату одоб туйғуларини янада зиёдалаштиришга илҳомлантирувчи давлаткор анъанадир.

Юртни гулзорга айлантираётган Абдулатиф боғбон

Ислом ИБДУЛЛА, “O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

“Таниш-билишларим ҳозир гул-кўчат экишдан фойда борми дейишади. Қаранг, дунёда ҳамма нарсанинг охири бордек, тўғрими? Қурилаётган бино ҳам қуни келиб битади. Аммо шундай машғулот борки, унинг бошини тутган киши ҳеч қачон интиҳо билмас керак. Бу – боғбончилик. Ўйлаб қарасак, минг йиллар давомида инсон руҳиятида ўзгармасдан сақланиб қолаётган биргина нарсга гўзалликка ташналиқдир. Шунинг учун ҳам ҳозирда юз йилларга асқатадиган дарахтлар гул-кўчатлардан иборат боғлар қурдим. Токи, авлодларим ҳам аждодларнинг йўлини тутсин...”

Фарғона вилоятининг Қува туманида боғ-роғлари билан донг қозонган сулола бор. Бу оиланинг ҳар бир аъзоси қон-жонига аждодлардан қолган боғдорчилик гул-кўчатчиликнинг меросини сингдирган. Сулоланинг энг миришкор аъзоларидан бири бўлган Абдулатиф Усмонов бугун бобом мерос касби ортидан дунёнинг тўрт бурчидан манзарали дарахт кўчатлари олиб келиб, ўстирмоқда. Унинг дарахтларию бежирим ландшафт ўсимликлари юртимиздаги қурилиш-бунёдкорликларга эш бўлмоқда.

БОҒЛАРГА ТУТАШГАН ҲАЁТ ЙЎЛИ

Тошкентнинг қоқ марказидаги Чорсу бозорига манзарали кўчат излаб борсангизу ўтган-кетгандан яхши кўчат сотувчиси сўрасангиз кўпгина бир хил жавоб оласиз: “Абдулатиф акани излаб топинг, у кишининг гул-кўчатлариға ишонч бор”. Абдулатиф ака гул-кўчат бозорига ҳамма маслаҳат сўрайдиган, қаршиқидан харидорларнинг қадими узилмайдиган боғбонлардан бири. Чунки унинг боғдорчиликка тутатиб кетган умр ҳикояси бор.

– Боғдорчилик бизга бобомерос касбидир, – деди боғбон Абдулатиф Усмонов. – Улар ҳамма вақт Қува туманининг кўзга кўринган боғбонларидан бўлган. Умуман эрларга жон бахш этиб, тақир тупроқларда кенг боғ-роғлар бунёд қилган. Ўзининг бобом аждодлардан мерос боғлардаги ўнлаб мевали дарахт турларини баҳор палласи ўта синчковлик билан пайвандлаб, янгидан-янги дарахт навларини ўстиришга иштиёқманд эди. Баланд-паст, текис боғ-чорбоғларда ёнғоқ, бодом, олмаю ўрик, шафтолию гилос дарахтлари кўклам пайти қиёғоси гулга қиради, пишқиқилик маҳали мўл-кўл ҳосил беради. Биз у кишининг этагини тутиб улғайдик.

АЖДОДЛАРДАН МЕРОС КАСБНИНГ ТАСАЛЛИСИ

Абдулатиф ака 1983 йил Фарғона вилоятининг Қува туманида туғилган. 1999-2001 йиллар ораллида Фарғона давлат университети қошидаги тадбиркорлик мактабидида урта махсус таълимни олади. Унинг бобоси эл назаридаги уста боғбон, отаси шифокор эди. Отаси ўғлининг ўқиб-ўрганиб, катта ҳуқуқшунос бўлишини орзу қилар, шу мақсад йўлида унинг таълим-тарбиясига эътибор беради. Аммо йиллар ўтиши билан Абдулатиф аканинг руҳиятида бобосининг таъсирида пишиб-етилган боғдорчиликка, тадбиркорликка бўлган меҳр устун келди. Ҳозирда Абдулатиф ака ўзи барпо этган

боғларида эл-юрт учун бетакор манзарали дарахт навларини ўстириб, ҳаёт улашмоқда.

– Дадам 30 йил давомида соғлиқни сақлаш соҳасида ишлади, – деди қаҳрамонимиз. – Аммо унингдек шифокорлик йўлини танлашимни истамасди. Отам ҳам иш фаолияти давомида кўплаб ҳолатлар билан дучлашган. Касбининг мушкуллигидан хабардор бўла туриб, мени ҳуқуқшунослик соҳасига йўналтирган. Ҳар сафар ўқишим кераклигини таъкидларди. Аммо мен отам истаган йўлдан кетмадим. Ич-ичимдан бобомдан қолган боғдорчилик насланим давом эттиришни истадим. Орадан вақт ўтиб, шу соҳада маълум ютуқларга эришганимдан сўнг отам мени тушунди. Ҳозир мендан маслаҳатини аямайди. У киши ҳақиқий боғбоннинг ўғли. Узоқ йил шифокор бўлиб ишлаганига қараман ота касбини ҳам кўкур тушунади. Ҳозир 4 ака-укам, опа-сингилларимнинг ҳам уй-ҳовлилари каттагина боғлардан иборат.

“БОБОМ – МЕНИНГ ЭНГ УЛУҒ УСТОЗИМ”

– Боғдорчиликнинг фойдали томонлари жуда кўп, – деди у. – Дарахт ҳам бир ҳаёт – ўсади, яшайди, одамларнинг яхши-ёмон кунига ярайди. Бундай мўъжизавий нарсани халққа сотиш энг фойдали, энг эзгу ишлардан биридир, деб ўйлайман. Эсимда, 7-8 ёшларимда уйимизга турли соҳаларда ишлайдиган кимсалар, меҳмонлар, боғдорчиликка қизиқадиган кишилар келар эди. Шундай шароитда ёш бўлишимга қарамасдан бу соҳанинг майда унсурларига ҳам бўлган маълумот ва кўникмалар билан жуда эрта танишдим. Ўн гектарлаб кенгликдаги боғлар оралаб ўсган ҳар қандай киши ҳаётининг қайсиқидир қисмини шу соҳа билан боғлайди. Ҳар доим бобом менга мадд бериб тургандек.

Абдулатиф ака 21-22 ёшида ўзининг дастлабки ишини бошлашга киришади. Ўша даврларда эндигина ўрта махсус таълимни тугаллаган, ҳаётининг кейинги даврини белгилаш арасида эди. Шу ерда унинг бобосидан қолган боғбонликка ташна орзу-умидлари устун келди. Узининг ризқини боғбонликда, деб билди.

МАҚСАД САРИ БИР МИЛЛИОН

Абдулатиф ака ҳозирги кунда манзарали дарахтлар етиштириб, аҳолига, қолаверса, ўлкамиз бўйлаб қурилаётган ижтимоий соҳа объектлари ҳамда ободонлаштириш ишлари учун арча, қарағай, каштан, манзарали, гуллайдиган, ҳажмли дарахт ва бута навларини етказиб бермоқда. Оқ



қайин, каштан ва гуллайдиган дарахтлар ҳозирги кунда мазкур қурилиш объектларининг ландшафт кўринишини ташкил этишда кўл келмоқда.

– Ҳозирда манзарали дарахт навларини бевосита уруғдан ўстиряпмиз, – деди боғбон. – Кўп йиллардан бери Украина, Польша, Америка ва Италия каби давлатлардан манзарали дарахтларнинг уруғларини олиб келамиз. Ўзбекистонда уларни севиб, ўстираемиз. Бунга ҳам 20 йил бўлди. Бу ишимиз энди ўз мевасини берапти. Кўп ҳолларда Италиядан келтирилган уруғларнинг маҳаллий шароитимизга мослашиши осонроқ. Шунга кўра, мазкур минтақалардаги ноёб ўсимликларни ўзимизнинг ландшафт ўсимликларимизнинг қаторига қўйишни ўйлапман. Келажақда фаолиятимни янада кенгайтириб, ривожланмоқчиман. Режалар тузганман. Ай-тишим кераки, ҳозир ўзим ташкил қилган боғ майдонларида бир миллиондан ошқ кўчатлар унмоқда.

Абдулатиф аканинг Тошкент шаҳри ва вилоятда, шунингдек, Фарғона томонларда бир қанча катта-кичик боғ-роғлари бор. Бу майдонларда қаҳрамонимиз томонидан ўтказилган йигирма йиллик манзарали дарахт кўчатларини ҳам кўриш мумкин. Бу узоқ йиллик сабр-тоқат, матонат ва касбга бўлган муҳаббатдан далолатдир. Унинг ўсимликлари ҳар қачон харидорлар назарига бўлган.

Шу кеча-кундузда янгилиниш, яшариш фаслида кўча-кўчалар, маҳаллалару жамоат жойларида кўчат ўтқазиб, гул экиш тадбирлари авж олган. Бундай шухуҳли тадбирларнинг бош асосчиларидан бўлган боғбонлар эътиборга лойик, Абдулатиф ака Усмонов ҳам шундай қизиқарли касб тарихига эга бўлган самимий боғбонлардан биридир.

Туғилган кунингиз муборақ бўлсин!

Март ойининг шу кунларида
таваллуд айёмларини
нишонлаётган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Мурожаатлар билан ишлаш бўлими бошлиғи **Улғабек Раҳимов**, “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК бўхгалтерия ҳисоби бўйича бош мутахассис **Раҳим Худойбердиев**,

“Ташгипрогор” АЖ 3-сонли архитектура-қурилиш сектори архитекторлар гуруҳи раҳбари **Лариса Казанцева**, Муаммо-лойиҳалар сектори муқовачи **Иркин Ходжибаев**,

Анджон вилояти, Асака тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи – бош архитектор **Жасурбек Набижонов**,

Жиззах вилояти қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси сантехник-электриги **Турдибой Қобилов**, Арнасой тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош мутахассиси **Охунжон Янгибоев**,

Қорақалпоғистон Республикаси қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги матбуот қотиби **Омирбай Есбергенов**, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош мутахассис қи-лиш инспекцияси етакчи мутахассиси **Сардор Камалов**,

Навоий вилояти қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси бошлиғи **Ақбар Ниёзов**,

“Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК Самарқанд вилояти филиали директори **Шокир Илмуратов**, бош мутахассис **Илҳом Ҳашимов**,

Сирдарё вилояти қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси бошлиғи **Азиз Худайназаров**,

Тошкент вилояти қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси Туман ва шаҳар архитектура ва қурилиш бўлимлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси **Темурхон Қодиров**, иш юритувчи қотиба **Малика Зияева**, Юқоричирчиқ тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими шаҳарсозлик қонунчилигиға риоа этилиши назорати бўйича архитектор **Аброр Маҳкамов**,

Хоразм вилояти Хива шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими шаҳарсозлик қонунчилигиға риоа этилиши назорати бўйича архитектор **Наврўзбек Маҳмудов**, Тупроққалъа тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими шаҳарсозлик қонунчилигиға этилиши назорати бўйича архитектор **Темур Азодов**, Қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг маркази иш юритувчиси **Райхон Бекчановаларни** таваллуд қуни билан чин дилдан муборақбод этамиз.

Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр,
оилавий хотиржамлик,
мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!